



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

www.uzbovozi.uz

info@uzbovozi.uz

№16

2025-yil
23-aprel, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqqan boshlagan



ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎН ЕТТИ ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Азиз фарзандларим!
Ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Саудия Араби-стони майдонларида бўлиб ўтган нуфузли мусобақада муваф-фақиятли иштирок этиб, юксак соврин – Осиё кубогини қўлга киритганингиз билан халқимиз номидан, ўз номимдан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сизлар каби навқирон, азму ши-жоатли ёшларимизнинг бутун тур-нир давомида биронта ҳам мағлу-биятга учрамасдан, рекорд натижа кўрсатиб, жонажон Ватанимиз шара-фини мардона ҳимоя қилганлари, ҳеч шубҳасиз, миллий футболимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзи-ладиган шонли воқеа, десак, тўғри бўлади.

Айниқса, финалда мусобақа мезбони – Саудия Арабистони каби ғоят кучли жамоага қарши кескин беллашувда турли босимларга қа-рамасдан, ўн бир ўйинчига қарши тўққиз футболчи шиддатли кураш олиб борганингиз чинакам жасорат ва матонат намунаси бўлди. Сиз-лар намоён этган юксак мардлик ва маҳорат ҳар қандай таҳсинга сазо-вордир.

Мусобақа якунига кўра, уч нафар истеъдодли ва моҳир спортчимиз якка тартибдаги совринлар эгаси бўлгани, жумладан, Нейматуллоҳ Рустамжонов – турнирнинг энг яхши дарвозабони, Асилбек Алиев – энг яхши тўпурари, Садриддин Ҳасанов – энг яхши футболчиси сифатида эътироф этилганини ҳам алоҳида

таъкидлаш лозим.

Эл-юртимиз сизларнинг тимсо-лингизда доимо олдинга интилиб яшайдиган, юксак марраларни забт этишга қодир Янги Ўзбекистон ёшларининг энг ёрқин вакиллари-ни кўради ва сизлар билан ҳақли равишда фахрланади.

Мамлакатимизда спортга, жумла-дан, футбол ривожига берилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий натижаси бўлган мана шундай тари-хий ғалаба учун сизларга, сизларни тарбиялаб вояга етказган ота-она-ларингиз ва ўстоз-мураббийларин-гизга чин дилдан самимий миннат-дорлик билдираман.

Сизлар ушбу ғалабадан руҳла-ниб, шу йил ноябрь ойида Қатарда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳам Осиёнинг ғолиб жамоаси сифа-тида муносиб иштирок этасиз, деб ишонаман.

Бахт ва зафар сизларга доимо ёр бўлсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



ЮРАГИДА ОЛОВИ БОРЛАР

Ўтган ҳафта якунида футбол бўйича 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё кубоги финалида мезбон Саудия Арабистонига қарши ўйинда ғалаба қозониб чемпионликни қўлга киритди. «Қирол Фахд» стадионида ўтган учрашув 2:0 ҳисобида якунланди.

8

» СИЁСИЙ ПУЛЬС. МУНОСАБАТ

Иқтисодий тебранишлар шароитида тўғри ва мақбул ечимлар керак

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ГЛОБАЛ САВДО
МАЙДОНИДАГИ ҲОЗИРГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР, АЙНИҚСА,
ҚЎШМА ШТАТЛАР ТОМОНИДАН ЯНГИ БОЖҲОНА
ТАРИФЛАРИ ВА ИМПОРТ ЧЕКЛОВЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ
ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ ҲАЁТИГА
СЕЗИЛАРЛИ ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА. ХУСУСАН, АТИГИ
УЧ-ТЎРТ КҮН ИЧИДА ХАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРЛАРИДА
10 ТРИЛЛИОН ДОЛЛАР ЙЎҚОТИЛДИ. ЮҚОРИ ТАРИФЛАР
ОҚИБАТИДА ХАЛҚАРО САВДО ҲАЖМИ 3,5 ТРИЛЛИОН
ДОЛЛАРГА ҚИСҚАРИБ, ЖАҲОН ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ
7,5-8 ФОИЗГА КЎТАРИЛИШИ ПРОГНОЗ ҚИЛИНМОҚДА.**

2



ҚОНУНЛАРДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МАСАЛАСИ

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING КЕЧА
БЎЛИБ ЎТГАН ЙИҒИЛИШИДА 15 ТА ҚОНУН ЛОЙИХАСИ
МУҲОКАМАДАН ЎТКАЗИЛДИ. ОДАТГА МУВОФИҚ ҚҲЙИ
ПАЛАТА ФРАКЦИЯЛАРИДА ЛОЙИХАЛАРНИ МУҲОКАМА
ҚИЛИШ БИР КҮН ОЛДИН ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШЛАРИДА
БОШЛАГАН ЭДИ. БУ ГАЛ ҲАМ ФРАКЦИЯЛАР
ЙИҒИЛИШЛАРИ БАҲС-МУНОЗАРАЛАР, ТАКЛИФ ВА
ТАШАББУСЛАРГА БОЙ БЎЛДИ.**

3

АНДИЖОН КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ОСТАНАСИДА



**ДАВЛАТИМИЗ
РАҲБАРИ ҲУДУДЛАР
РИВОЖИ, АҲОЛИ ҲАЁТИ
БИЛАН ЯҚИНДАН
ТАНИШИШ МАҚСАДИДА
15-16 АПРЕЛЬ КУНИ
АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА
БЎЛДИ.**

**ПРЕЗИДЕНТ
ТАШРИФ ДАВОМИДА
ЯНГИ КОРХОНАЛАР
ФАОЛИЯТИ, САНОАТ,
ЭНЕРГЕТИКА,
ШАҲАРСОЗЛИК
ВА БОШҚА
СОҲАЛАРДА АМАЛГА
ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР
БИЛАН ТАНИШДИ,
ЖОЙЛАРДАГИ ҚУРИЛИШ
ВА БУНЁДКОРЛИК
ИШЛАРИНИ КЎЗДАН
КЕЧИРДИ.**



Анъанавий “Китобхонлик ҳафталиги” бошланди

Китоб ўқиш инсонга мусиқа тинглаш, сайр қилиш ва спортдан кўра самаралироқ таъсир кўрсатиши илмий асосда исботлаган. Болаларни эса, айниқса, кичик ёшдан китоб ўқишга қизиқтириш жуда муҳим. Бу орқали уларда сўз бойлиги, тасаввур олами кенгаяди. Савод, идрок ҳисси шаклланади. Визуал, яъни, кўз хотираси кучаяди.

8

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎН ЕТТИ ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДАГИ ОСИЁ КУБОГИ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг ёрқин истеъдоди ва профессионал маҳорати, улкан азму шижоати ҳамда мустаҳкам иродасини намоён этиб, Саудия Арабистонида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган нуфузли мусобақада мислсиз жасорат ва матонат намуналарини кўрсатгани, Осиё кубогини қўлга киритиб, ўзбек футбол тарихида янги бир шонли саҳифа очгани, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтириш, ёш авлодни миллий гурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида фаол иштирок этиб келаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ» ФАХРИЙ УНВONI БИЛАН

Исмоилов Ислombек Муродбек ўғли - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийси

«КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдукаримов Миразиз Эркин ўғли - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Абдуллаев Фариджон Нодиржон ўғли - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Абдумўминов Азизбек Икромжон ўғли - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Алиев Асилбек Равшанжон ўғли - Футбол бўйича

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Баходирхонов Мўминхон Иссохон ўғли - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Ботиралиев Ҳожиакбар Хайрулло ўғли - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Еримбетов Азизбек Мўхаммед Али ули - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Избасканов Бахадир Махсетбаевич - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Махмуджонов Дилёрбек Санжарбек ўғли - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Муратов Амирхон Шўҳрат ўғли - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Мусаханов Мўхаммадали Алижонович - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Мўхаммадов Акбар Алишерович - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Рўстамжонов Неъматуллоҳ Шўҳратжон ўғли - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Рўстамов Жамшидбек Аброржон ўғли - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Саидмуродов Бехрўз Ғайрат ўғли - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Сарсенбаев Нурбек Рахатович - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Содиқов Сайфиддин Бахтиёр ўғли - Футбол бўйича

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Фазлиддинов Абдуллоҳ Зайлиддин ўғли - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Ҳакимов Мўхаммад Улуғбек ўғли - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Хасанов Садриддин Зайниддин ўғли - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Ҳабибуллаев Мўхаммад Қодиржон ўғли - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Шокиров Иброҳим Жамшид ўғли - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси
Шўқуруллаев Абубакир Азиз ўғли - Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Джўраев Отабек Рўстамович - Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Sport» ижодий бирлашмаси бош мутахассиси
Толипов Орифжон Боходирович - Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Sport» ижодий бирлашмаси «Футбол ТВ» телеканали муҳаррири

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2025 йил 21 апрель



Иқтисодий тебранишлар шароитида тўғри ва мақбул ечимлар керак

Жаҳон иқтисодиёти ва глобал савдо майдонидаги ҳозирги тенденциялар, айниқса, Қўшма Штатлар томонидан янги божхона тарифлари ва импорт чекловлари жорий этилиши интеграциялашган дунё мамлакатлари ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, атиги уч-тўрт кун ичида халқаро молия бозорларида 10 триллион доллар йўқотилди. Юқори тарифлар оқибатида халқаро савдо ҳажми 3,5 триллион долларга қисқариб, жаҳон инфляция даражаси 7,5-8 фоизга кўтарилиши прогноз қилинмоқда.

Пандемия давридагидек дунё бўйлаб таъминот ва қиймат яратиш занжирларида узилишлар пайдо бўлиш хавфи давлатлардан тезкор ҳамда оқилона иқтисодий ечимларни жорий этишни тақозо қилаётди. Қийин ва аёвсиз рақобат муҳитида қатор етакчи тармоқлар, жумладан, тўқимачилик, электр техникаси, автомобилсозлик, озиқ-овқат саноатига зарба етиши мумкинлиги асосли хавотир уйғотмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида 18 апрель кўни ўтказилган видеоселектор йиғилишида айни шулар хусусида сўз юритилди. Унда дунёда юз бераётган иқтисодий тебранишларнинг соҳа ҳамда тармоқларга таъсирини камайтириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётининг ажралмас қисми. Оқилона таъки сиёсат ва қўлай инвестициявий муҳит натижасида тадбиркорларимизга янги бозорлар очилмоқда, маҳсулотлар тури кўпаймоқда.

Гарвард университетининг таҳлилига кўра, охириги беш йилда “Иқтисодий мураккаблик индекси”да Ўзбекистоннинг ўрни 25 поғона яхшиланган. 162 турдаги миллий маҳсулотларимиз “дунё бозорида рақобат устуңлигига эга”, деб баҳоланган. Буларнинг натижасида охириги йилларда мамлакатимиз экспорти 2,2 баробар ошди. Таъки савдо айланмаси яппи ички маҳсулотга нисбатан 57 фоизга етди.

Мамлакатда инвестициялар ҳажми ҳам изчил ўсиб бормоқда. Шу йилнинг биринчи чорағида 8 миллиард 700 миллион доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилгани (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 20 фоиз кўп) бунинг исботи. Эвазига энергетика, металлургия, кимё, фармацевтика, транспорт, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, коммунал ва ижтимоий соҳаларда кўплаб муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунда қўшилган қиймат ва иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор

қаратилляпти.

Олдинда эса марралар янада катта. Жорий йилнинг ўзида 42 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этилиши, 80 дан ошиқ йирик, 8 мингдан ортиқ ўрта ва кичик лойиҳалар амалиётга татбиқ қилиниши кўзда тутилмоқда. Бироқ бундай салмоқли мақсадларга эришиш, юқорида айтиб ўтганимиз – ҳозирги иқтисодий мураккаб шароитда у қадар осон иш эмас.

Йиғилишда Президент бундай вазиятда фақат ўз кўчимиз ва ички имкониятларимизга таяниб, дадил қадам ташлашимиз кераклигига урғу берди.

–Ҳозирги дунё аввалгидек эмас, - деди давлат раҳбари. - Гап тариф ёки уларнинг миқдорида ҳам эмас. Узоқ йиллар давомида давлатлар ўртасида барқарор муносабатлар ва ўзаро ишончни таъминлаган халқаро институтлар, улар ишлаб чиққан қоида ва нормалар бугун самарасиз бўлиб бораляпти.

Демак, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш қамровини ошириш, ички бозорда адолатли рақобат муҳитини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолияти учун қўлай шарт-шароит яратиш айни муддао. Шундан келиб чиққан ҳолда, йиғилишда ҳар бир вазирлик, тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари аниқ-аниқ режа қилиб, ишлаб чиқариш, экспорт билан шахсан шуғулланиши шарт экани айтиб ўтилди.

Бунинг учун, табиийки, давлат томонидан зарур ҳуқуқий, ташкилий ва амалий чоралар кўрилади.

Шокиржон АҲМЕДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

–Жаҳон иқтисодиётидаги кескин ўзгаришлар, ташки хатарлар ва глобал рақобат шароитида эркин бизнесни ривожлантириш энг тўғри ёндашув ҳисобланади. Шу маънода тадбиркорларнинг қонуний фаолияти учун имкониятларни кенгайтириш, улар дуч келаётган муаммоларга узил-кесил вакиллари қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамиятга эга. Бинобарин, бугунги кунда ушбу субъектларда 10 миллион 500 минг одам – жами банд аҳолининг 74 фоизи даромад топиб, рўзгор тебратляпти. Иқтисодиёт ҳажмининг ярмидан кўпи, саноат ва экспортнинг учдан бири улар ҳиссасига тўғри келяпти.

Ўтган ҳафтадаги видеоселектор йиғилишида Президентимиз тадбиркорларимизни энг кўп ўйлантираётган муаммо - бу стандартлаштириш ва сертификатлаш тизимида оид эканини, кесирган талаблар ва

бюрократия бизнес вакилларининг “қўлини боғлаб” қўяётганини таъкидлади. Устма-уст сертификатлаш амалиёти ҳалигача давом этаётгани турли сарсонгарчиликларни келтириб чиқармоқда.

Маълум бўлишича, юртимизда 25 мингдан ортиқ стандарт ва 41 та техник регламент халқаро бозор талабларига жавоб бермайди. Ҳозирда 13 мингга яқин турдаги товарнинг 6,5 минги мажбурий сертификатланади. Бу эса таннархни оширади. Пировардида бундан оддий одамлар чўнтаги зарар кўради.

Ҳозирги тизимда сертификатлаш органлари бозор назоратини ҳам олиб бориши, бу эса манфаатлар тўқнашувига олиб келаётгани танқид қилинди.

Эътиборлиси, шу каби муаммолар таҳлили, ўрганишлар ва ишбилармонларнинг таклифлари асосида Президентимизнинг “Ишлаб чиқариш, экспорт ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва саноат сиёсати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ишлаб чиқариш, миллий маҳсулотлар экспорти ва янги иш ўринларини яратиш бўйича белгиланган кўрсаткичларга эришиш мақсадларини тақийналтирилган ушбу ҳужжатга кўра, ички бозорда рақобат муҳитини ривожлантириш, сертификация ва техник назорат соҳасида ислохотларни янги босқичга чиқариш, божхона ва солиқ маъмурчилигига қатор янгиликлар киритиш назарда тутилмоқда.

Яъни, эндиликда техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария-эпидемиология, ветеринария, карантин идораларининг маҳсулотга ҳулоса бериш ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди. Такрорланувчи ва устма-уст тартиблар босқичма-босқич бекор қилинади.

Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги назорати билан фақат Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси шуғулланади. Озиқ-овқат учун техник регламентлар ва стандартлар мажбурийлиги бекор қилинади. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича санитария қоидалари ва нормалари “Кодекс Алиментариус” (озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг хавфсизлиги бўйича халқаро миқёсда тан олинган меъёрлар, амалиёт мезонлари, кўрсатмалари ва бошқа тавсияномалар мажмуи)га мувофиқлаштиради. Шунингдек, хавф даражаси юқори бўлган 7 та товар гуруҳидаги маҳсулотларни давлат рўйхатида ўтказиш амалиёти бекор қилинади.

Сертификат олиш мажбурий бўлган товарлар рўйхати ҳам қисқартирилиб, маҳсулот мувофиқлигини декларациялаш амалиёти жорий қилинади. Асбоб-ўсқуна,

хом ашё, махсус техника, транспорт импортида юртимизда тан олинадиган хорижий сифат ва назорат тизимлари мезонлари ишлаб чиқилади. Уларнинг импортида миллий сертификат олиш талаб қилинмайди.

Шунингдек, Фармонга асосан, энди четдан олиб келинаётган маҳсулотларнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби тўлиқ халқаро қоидаларга мослаштирилади. Шу пайтгача қиммат бозорларда талаб юқори бўлган айрим товарлар экспортига чеклов қўйилган эди. Энди, 1 июлдан бошлаб, бирорта товарнинг экспортига чеклов бўлмайди. Фақат 86 та товар гуруҳига кирувчи хом ашё ва ижтимоий аҳамияти юқори маҳсулотларга нисбатан экспорт божлари жорий қилинади.

Сўнгги йилларда маҳаллий саноатда қандолат ва салқин ичимликларнинг ўрни ошди. Бу тармоқларни қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим. Шу боис шакарга акциз бекор қилинади. Қуруқ сут импортига қўйилган чекловлар ҳам олиб ташланади. Натижада қарийб 40 минг одам ишлайдиган қандолат ва салқин ичимлик ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг йиллик айланмаси камида 50 триллион сўмга етади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари маҳаллий корхоналаримизга йўл очиб, ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бозорларга янги, талабгир маҳсулотлар билан кириши учун шароит яратиш заруратини яна бир бор эслатди. Айрим товарлар бозорларимизга сўний пасайган нархда кириб келаётгани маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўрнини заифлаштираётгани кўрсатиб ўтилди. Мисол келтирилди. Унга кўра, ўзимизда чиқаётган, таннархи 220 долларлик кичик музлатгич бозорда ўртача 250 доллардан сотилаётгани учун 30 доллар ҚҚС тўланади. Худди шундай турдаги музлатгичнинг импорт нархи сўний пасайтирилиб, 25 доллар кўрсатилгани учун бор-йўғи 3 доллар ҚҚС олинапти. Бошқача айтганда, ўзимизнинг ишлаб чиқарувчи импортга нисбатан 10 карра кўп солиқ тўламоқда. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз иқтисодий салоҳияти ошиб борса, бундан фақат ва фақат давлатимиз, халқимиз фойда кўради. Қанча иш ўринлари яратилади, мамлакат қудрати юксалади.

Юқори айтиб ўтганимиз Фармон билан четдан олиб келинаётган товарларни божхона қийматини аниқлаш тартиби халқаро қоидаларга мослаштирилиши, назаримизда, ҳар томонлама мақбул чорадир.

Шўбҳасиз, буларнинг бари охир-оқибат мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминляйди. Иқтисодий барқарорлик эса ижтимоий ислохотлар самарадорлиги, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг негизи ҳисобланади.

**Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида 15 та қонун лойиҳаси муҳокамадан ўтказилди. Одатга мувофиқ қўйи палата фракцияларида лойиҳаларни муҳокама қилиш бир кун олдин фракция йиғилишларида бошлаган эди. Бу гал ҳам фракциялар йиғилишлари бахс-мунозаралар, таклиф ва ташаббусларга бой бўлди.

Жумладан, ЎзХДП фракцияси йиғилишида бир қатор қонун лойиҳаларига аниқ ва асосли таклифлар билдирилиши билан бирга биринчи ўқишда кўриб чиқилган мева-сабзавот етиштирувчи ва қайта ишловчи субъектларнинг ҳамда Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳасини қўмига қайтаришга овоз берилди. Фракция депутатлари қонун лойиҳасини қўмига қайтариб, уни тақомилига етказиш лозим, деган фикрга келишди. Бир сўз билан айтганда, қонун ижодкорлари ва масъул қўмига лойиҳани ҳимоя қилади, фракция аъзолари эса уни тақомиллаштириш, зарур деб ҳисобланган тақдирда ўзгартириш учун ўз таклифларини билдиришади. Яъни, икки томон ҳам ўз позициясини билдиради.

Шу кунни мажлисда кўрилган масалаларнинг аксарияти ЎзХДП фракцияси электорати манфаатларига тааллуқли бўлди. Хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди. Лойиҳа ижтимоий ҳимоянинг адолатли бўлиши ва ҳақиқатан ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга етиб боришини таъминлашга қаратилган. Ушбу қонун билан айрим нотариал ҳаракатлар ҳақидаги маълумотларнинг Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига берилиши таклиф этилмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг ижтимоий ёрдам ва хизматлардан фойдаланиш тўғрисидаги аризалардаги имзолари, агар “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан ҳақиқийлиги текширилган бўлса, нотариал шаҳодатлаш талаб этилмаслиги назарда тутиляпти. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ариза берувчиларнинг уларнинг розилиги асосида банк сирини ташкил этувчи маълумотларини ахборот тизими орқали олишга ва ишлов беришга ҳақли эканлиги белгиланмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида масъул қўмига томонидан бир қатор ишлар амалга оширилгани, жумладан, ҳужжат матнини янада тақомиллаштириш, уни пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича берилган барча таклифлар чуқур таҳлил қилиниб, улар асосида лойиҳа матни маромига етказилгани таъкидланди.

Депутатларнинг айтишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ижтимоий ҳимоя органи томонидан эҳтиёжманд фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш орқали давлат томонидан аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва хизматларнинг манзилли йўналтирилишини ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Шу кунни “Ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш тизими янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Лойиҳа билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ижтимоий хизмат ва ёрдамларни кўрсатишда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб-таомилларни бажармаганлик, ижтимоий ҳимоя органлари ходимларининг қонуний фаолиятига тўқсизлик қилганлик, уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларини бажармаганлик учун жавобгарликни белгиллашни, шунингдек, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ маъмурий ишларни кўриб чиқиш ваколати Ижтимоий инспекция ва унинг ҳудудий бошқармаларига тааллуқлилигини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор



ҚОНУНЛАРДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МАСАЛАСИ

қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунга объектда ногиронлиги бўлган шахслар учун шахрсозлик нормалари ва қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ қулай шарт-шароитлар яратилганлиги бўйича хулоса олишни, шунингдек, ушбу ҳужжатсиз фаолиятни (ҳаракатни) амалга оширганлик ёки мазкур ҳужжатни қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олганлик учун жарималар миқдорларини белгилловчи қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Халқ вакиллари лойиҳанинг ҳар бир моддасини бирма-бир муҳокамадан ўтказиб, иккинчи ўқишда қабул қилди.

Кун тартибидан ўрин олган яна бир масала таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан

божи ундирилмаслиги кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонунга давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар таркибига таъйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари ҳам киритилиб, уларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар белгиланмоқда.

Мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг зарурати ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиб, унда назарда тутилаётган айрим нормалар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдирдилар.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонуннинг қабул қилиниши таъйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар, уларнинг вояга етмаган фарзандларининг манзилли ва самарали ижтимоий



объектлари ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шўғулланиш учун истисноларсиз тақдим этилиши белгиланмоқда.

Қайд этиш лозимки, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ногиронлиқни белгиллаш мезонлари ва механизмларини соддалаштириш, ушбу тоифадаги шахсларга ижтимоий ёрдам давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда кўрсатилишини таъминлаш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир хил ёндашув шаклланишига хизмат қилади.

Бир кун аввал ЎзХДП фракцияси қўмига қайтаришга овоз берган мева-сабзавот етиштирувчи ва қайта ишловчи субъектларнинг ҳамда Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам ҳеч қандай ўзгаришсиз йиғилишда муҳокамага қўйилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги мева-сабзавотчилик йўналишидаги маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи субъектлар, иссиқхона

етиштирувчилар, қайта ишловчилар, иссиқхона хўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласини гўёки қамраб олгандай. Агентлик уларнинг ҳаммасини қамраб ола оладими? Бу жойда коррупциявий хатарлар юзага келмайдими? Агентлик ҳам Фермерлар кенгаши ёки Савдо-саноат палатаси бажарадиган функцияларни ўз зиммасига олмақچими? Яна бир жиҳати қонун кимнинг манфаатига хизмат қилиши аниқ кўрсатилмаган. Шўлардан келиб чиқиб, лойиҳани қайтадан кўриб чиқиб, вазифаларни аниқ кўрсатган ҳолда тақдим этиш тўғри бўлади, деб ўйлаймиз.

Бошқа бир депутат божлар Давлат бюджет даромадларининг асосий қисмини ташкил этишини айтиб, агентлик айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бирга ўзларини ҳам бождан озод қилишни назарда тутаетганилигини айтиб ўтди. Шунингдек, депутат ўтган йиллар давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар томонидан биронта даъво аризаси судга

киритилмагани, аксинча агентлик томонидан шу кунгача 22 та ариза киритилгани ва улардан бор-йўғи 10 таси қаноатлантирилганини таъкидлади.

Узоқ давом этган муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди.

Лойиҳага 81 нафар депутат маъқуллаб, 32 нафари эса қарши овоз берди.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш лозимки, кўпчиликнинг овози устун келди. Шу билан бирга лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида каттиқ ишлаш кераклиги ҳам ҳаммага бирдай маълум бўлди. Қўтамаиз, лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлашда нималарга эътибор қаратилади, кимларнинг таклифлари қонунда ўз аксини топади.

Аҳмад ҚУРБОНОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.



УШБУ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА КЎРА, 18 ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАНING НОГИРОНЛИГИНИ АНИҚЛАШ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ЭКСПЕРТ КОМИССИЯЛАРИ ЎРНИГА ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ЭКСПЕРТ КОМИССИЯЛАРИ ТОМОНIDAN АМАЛГА ОШИРИЛИШИ БЕЛГИЛАНМОҚДА.

муҳокама қилинди.

Тан олиш керак, кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, таъйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига таъйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларнинг йўқотилган банк пластик картасини тиклаш учун тижорат банкларига мурожаат қилиш юзасидан нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномани тасдиқлаш ҳуқуқини бериш таклиф этилмоқда.

Фуқаролик процессуал кодексига таъйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича суд томонидан кўриб чиқиладиган ишларда мажбурий тартибда прокурорнинг иштирокини таъминлаш билан боғлиқ қўшимчалар киритилмоқда. Бу эса, ҳуқуқбузарликлар устидан қатъий ва адолатли назоратни кучайтиришга хизмат қилади.

Лойиҳада реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳудудий марказларига жойлаштирилган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари учун йўқотилган биометрик паспортлари (идентификация ИД-карталари), никоҳни қайд этганлик ва туғилганлик тўғрисида тақрорий гувоҳномалар берилганда давлат

ҳимоя қилинишини кучайтириш, шунингдек, ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизимини тақомиллаштиришга ҳамда уларнинг сифатини оширишга хизмат қилади.

Мажлисда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳасига кўра, 18 ёшгача бўлган боланинг ногиронлигини аниқлаш педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари ўрнига тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан амалга оширилиши



ШУ КУНИ “ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ ВА ЁРДАМЛАР КЎРСАТИШ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАҚОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУҶЖАТЛАРИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ИККИНЧИ ЎҚИШДА МОДДАМА-МОДДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

белгиланмоқда.

Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни кўрикдан ўтказиш йигирма календарь кундан кечиктирмай амалга оширилиши, шунингдек, ногиронлиқни белгиллаш мезонлари ва механизмлари, шу жумладан, шахсни тиббий-ижтимоий экспертизага юбориш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши назарда тутиляпти.

Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдам давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда кўрсатилиши, давлат мулки бўлган спорт

хўжаликлари ҳамда ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган аризалар, шикоятлар ва даъволар юзасидан давлат божини тўлашдан озод этиши белгиланмоқда.

Тўғри, қонун биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди. Лекин ЎзХДП депутатлари қонуннинг концепцияси унинг асосида келтирилган фармондан келиб чиқилмаган, деган хулосага келди. Хусусан, фракция депутати Қизилгул Қосимова сўз олиб қуйидаги фикрни билдирди.

– Мазкур қонунни кеча фракцияда батафсил кўриб чиқдик. Қонун лойиҳасининг тушунтириш хатида мева-сабзавотчилик маҳсулотларини

МУНОСАБАТ

АНДИЖОН КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ОСТОНАСИДА

Давлатимиз раҳбари ҳудудлар ривожини, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 15-16 апрель кўни Андижон вилоятида бўлди.

Президент ташриф давомида янги корхоналар фаолияти, саноат, энергетика, шаҳарсозлик ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ишлар билан танишди, жойлардаги қурилиш ва бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Хар бир манзилда фаоллар билан учрашиб, олдинда турган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди. Ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Учрашувларда Халқ демократик партияси вакиллари, депутатлар, фаолларимиз ҳам иштирок этди. Улар кўнглидаги гапларини, шўкроналик ҳиссини, илиқ сўзларини барча ўзбекистонликлар билан бўлишишни истайди.

Мукаддасхон СУЛТОНОВА, ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси:

– Андижон мамлакатимизда аҳоли энг зич жойлашган вилоят ҳисобланади. Албатта, вилоятимизда кундан-кунга ўзгаришлар ва янгиланишлар бўй кўрсатяпти, ҳудудларимиз ривожланиб борапти. Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағаллиқни қисқартириш, эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи яна катта ўзгариш ва ислохотлар дебочаси сифатида вилоят аҳли учун янги саҳифаларни очишига ишонаман.

Чунки Президентимизнинг юртимиздаги ҳар бир ҳудудга ташрифида чуқур маъно, аниқ мақсад бўлади. Андижон вилоятидаги бу галги ташрифдан сўнг шаҳар ва қишлоқларимизда янгича ҳаёт, янгича нафас, ўзгача муҳит бошланди. Ишонасизми, эрта тонгдан ишга йўл оларканман, бир-бирларига салом бериб ўтаётган ватандошларим нигоҳида умидни, ишончни, шўкронани кўрдим.

Юртбошимизнинг вилоятимиз билан боғлиқ ҳар бир қарори фахр ҳамда ғурурга, эртанги кунга бўлган ишончга туртки бўлди. Бундай самимий учрашувлар, очик мулоқот жараёнлари, режалаштирилаётган тарихий лойиҳалар ҳар бир хонадонга ўзгача меҳр, ифтихор олиб кирди.

Андижон халқлар аэропортидан бошланган ташриф катта мақсадлар тантанаси, кўларга етгудек орзу-ниятлар тараннуми сифатида ҳар бир андижонлиқни қувонтирди.

Юртбошимиз Андижон шаҳрида қурилган янги корхона фаолияти, вилоятда 2025 йилда эришилиши режалаштирилган асосий мақсадларга оид тақдирот билан танишди, вилоятнинг ҳудудий саноат ярмаркасини бориб кўрди, маҳаллий маҳсулотлар сифатини кўздан кечирди. Янги Андижондаги бунёдкорлик ишлари, Андижон шаҳридаги “Имкониятлар олами” ҳудудий ижтимоий хизматлар марказида яратилган шароитлар билан танишди. Андижондаги “Янги Ўзбекистон” боғидаги халқ сайлида иштирок этди. Спорт таълими ва олимпия ҳаракати бўйича режалар кўриб чиқилди.

Қаранг, бир ташрифнинг ўзида қутилган ва қутилмаган шунча учрашув, шунча яхши янгилик. Буларнинг ҳар бири андижонликларга руҳий ва маънавий рағбат ҳам бўлди, десам муболага бўлмайди.

Айниқса, Президентимиз “Янги Ўзбекистон” боғидаги халқ сайлида иштирок этиб, вилоятимиз аҳли билан очикчасига, ёнма-ён туриб илиқ мулоқот қилгани ёш-у кексанинг қалбигача кириб борди.

Боғдаги амфитеатрда концерт дастури намойиш этилди. Давлатимиз раҳбари тадбирда нутқ сўзлаб, вилоят ахлига юксак ҳурматини билдирди.

Бунинг амалий тасдиғини вилоятимизнинг ҳар бир гўшасида яққол кўриш мумкин. Вилоятда саноат, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, боғ-у роғлар барпо этиш, кўча ва маҳаллаларни обод қилиш, аҳоли учун муносиб меҳнат ва яшаш шароитлари яратиш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

Юртбошимиз Янги Андижон шаҳридаги «Янги Ўзбекистон» боғида таётган халқ сайлидаги нутқида Заҳриддин Муҳаммад Бобур хотирасини абадийлаштириш мақсадида Янги Андижон шаҳарчасига

Бобур шаҳри деб ном беришни таклиф қилди. Таъкидланганидек, бу ташаббус ҳар томонлама халқнинг кўнглидаги иш бўлади. Бу мутаффақир бобоимизга бўлган юксак эҳтиромнинг амалий намунаси, дейиш мумкин.

Президентнинг таъкидлашича, «бу шаҳарда янги бобурийларни тарбиялаш мақсадида йирик таълим кластери барпо этилади. У махсус боғча ва мактаб, университет, кутубхона ҳамда ажодимиз номидаги ИТ-паркни ўз ичига олади. Университет ҳудудида энг замонавий талаблар даражасидаги спорт мажмуаси ҳам қурилади».

Чиндан ҳам, ушбу ташаббусни андижонликлар қизгин ва хурсандчиликда қўллаб-қувватлади. 4 минг гектар майдонга эга ушбу шаҳарда 500 минг нафар аҳолининг муносиб яшashi ва ишлаши учун барча шароитлар яратилади. Бу шаҳар бобурийлар даврида бўлганидек, юксак маънавият маркази, таълим, фан ва илҳом масканига айланади. Ишонамизки, бу замин илмли, мард ва жасур, ватанпарвар авлодларимизга бешик бўлади. Шу маънода бу ташаббус нафақат тарихий хотира, балки эртамиз учун қурилаётган маънавий-маърифий кўприқдир.

Режалаштирилган ишлар, албатта, амалга ошади, янада яхши янгилликлар бўлади. Энг муҳими, одамларимизда интилиш бор, катъият бор, ишонч бор.

Обиджон НОСИРОВ, Ўзбекистон ХДП Жалақудуқ туман Кенгаши раиси, Андижон вилоятидаги Қирғиз миллий маданий маркази раҳбари:

– Миллатим қирғиз, аммо қалбан, руҳан ва фуқароликда фaхр билан айтаман: ўз юртим – Ўзбекистон фарзандиман.

Андижонда муҳтарам Президентимиз билан қўл ушлашиб кўришганимизда қалбимдан ўтган ҳис-туйғуларни таърифлаб беришим қийин. Юртбошимизнинг самимий муносабатидан бошим осмонга етди.

Умуман айтганда, бугун андижонликлар улкан мақсадлар билан яшамоқда, эзгу ниятлар билан меҳнат қилмоқда. Президентимизнинг вилоятимизга бу галги ташрифи ҳам одамларимиз орасида бирдамлик руҳини янада кучайтирди.

Давлатимиз раҳбарининг тантанали маросимдаги нутқини тинглаб ўтирар эканман, уларнинг халқ учун қанчалар куюнаётгани, Ватанга меҳр-содқатининг қанчалар тоза ва кучли эканини, биз уларга қанот бўлишимиз шартлигини ич-ичимдан ҳис этдим.

Президентимиз инсон қадрини улуғлаш, халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, шу асосда одамларни ҳаётдан рози қилиш – Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсади эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, одамлар кўнглига розилик солиб, қадрини баландлатаётган ютуқ ва муваффақиятларни кўплаб санаш мумкин. Муҳими, уларнинг ҳеч бири тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, йилдан-йилга янада кенг қулоч ёзмоқда.

Президентимиз вилоятимизга ташрифи давомида Андижон шаҳридаги “Имкониятлар олами” ҳудудий ижтимоий хизматлар марказида бўлгани ногиронлиги бор болалар, ўзгалар парваришига муҳтож фуқароларимизнинг, электоратимиз вакилларининг кўнглини тоғдек кўтарди.

Бу масканда парваришланаётган фуқаролар ғамхўрлик туфайли ҳаётга қайтганини айтиб, давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

– Бу эътибор замирида сизнинг соғлигингиз, яқинларингизнинг дард-у ташвишлари бор. Кўнглингиз очилиб, ҳаётга умид уйғонганини кўриб, хурсанд бўлдим. Бундай ғамхўрликни янада кенгайтириб борамиз. Сизлардан фақат сабр-тоқат, ишонч ва ҳаракат зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Албатта, электоратимиз вакиллари учун яратилган ушбу шароитлар жамиятимизда ижтимоий адолат мустаҳкамланиб, инсон қадри олий даражага кўтарилганининг яққол ифодасидир. Бу қанчадан-қанча муҳтож инсонларга мадад ва умид бағишламоқда. Соҳадаги хизматлар эҳтиёжмандларга яқинлашаётгани юртимизда ҳар бир инсон тақдирига алоҳида, профессионал ёндашилаётганининг намунасидир.

Қирғиз халқининг ҳам ўз миллий анъаналари, маданияти, либослари, байрамлари бор. Ва буларнинг

барчасини эркин равишда юртимизда намоён этяпмиз. Биз учун Янги Андижон боғидан павилон ажратилганлиги бу маданият кўприқларини янада мустаҳкамлаш, турли халқлар ўртасидаги янги ижодий ҳамкорликлар ва бағрикенглик муҳитини кенгайтириш имконини бермоқда.

Биз, маданий марказлар вакиллари кўп миллатли халқимизнинг эзгу мақсадларига хизмат қилиш, миллатлараро дўстликни ривожлантириш ва келажақ авлодга юксак маънавий муҳит қолдириш учун камарбаста бўламиз.

Ўғилхон ЖАББОРОВА, Олтинкўл тумани, Сафаробод МФЙ раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси, туман Кенгаши депутати:

– Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифи мавжуд имкониятлар ва яратилган шароитларни кўздан кечириб, одамлар билан самимий мулоқот қилиши, устувор вазифаларни белгилаб бериши иқтисодиёт тармоқларини кенгайтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш борасидаги ишларга янги рух, янги суръат бағишлади. Бу галги ташриф ҳам мазмун-моҳиятига кўра, биз депутатларга алоҳида масъулият юклади.

Президентимиз вилоятимизга ташрифи давомида фаоллар билан учрашиб, энг қайноқ ва долзарб соҳаларнинг ичига кириб, ечимини кутаётган ҳар бир масала юзасидан очик-ойдин муҳокамалар ўтказди, олдинда турган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди. Айтилган ҳар бир фикр, берилган топшириқ, тавсиялар замирида аввало, инсон манфаати устуворлиги, турмуш шароитини яхшилаш мақсадлари мўжассам, албатта.

Ташрифнинг иккинчи кўнида Булоқбоши туманида Президентимиз раислигида Андижон вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказилди.

Андижонда Янги Ўзбекистон шукуҳи ҳар бир туман, ҳар бир маҳаллага кириб бораётгани қайд этилди. Ўтган йили вилоятда 4 мингдан зиёд янги тадбиркор иш бошлаган. 450 минг аҳоли ишли бўлган.

Вилоятда 1,5 миллион квадрат метр турар жой ва 850 минг квадрат метр нотурар жойлар қад кўтарди. Бунинг ҳисобига, ўтган йили савдо ва хизматлар 13 фоизга, саноат 7,5 фоизга ошди.

Лекин ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Андижонда иқтисодий салоҳият, янги лойиҳалар ва ташаббуслар кўп. Йиғилишда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестиция ва экспортни қийайтириш, қурилиш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Айтилиқ, 2025 йилда Андижон вилоятида камидя 6 фоиз иқтисодий ўсишни таъминлаб, ялпи ҳудудий маҳсулотни 105 триллион сўмдан ошириш, 305 минг аҳолини банд қилиб, 150 минг одамни камбағалликдан чиқариш имконияти кўрсатиб ўтилди.

Шу ўринда таъкидлашни истардимки, вазифалар ниҳоятда масъулиятли. Уларни амалга ошириш учун мутасаддилар билан биргалиқда депутатлардан ҳам, партия фаолларидан ҳам фидойилик ва катъият талаб этилади. Муҳими, ташриф воҳа иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни жадаллаштиришга катта туртки берди.

Вилоят фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда мен ҳам иштирок этдим. Ўша ернинг ўзидаёқ ҳаётга қараш, ишга муносабат ва албатта бурчга садоқат каби тушунчаларни яна бир бор назардан ўтказиш кераклигини чуқур ҳис этдим.

Бу борада айтилган фикрлардан ўзимизга ташқаридан қараб баҳо бериш зарурлигини англадим. Ана шунда, майда ютуқларимиздан қувониб, катта мақсадларимизда сусткашликка йўл қўймаймиз, деган хулосага келдим.

“Ўзбекистон овози” муҳбири Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.

МАМЛАКАТИМИЗДА ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА, ИНСОНИЯТ ТАФАККУРИНИНГ ЮКСАЛИШИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ШАҲСИНИ УЛУҒЛАШ, НОМИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ, УЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАДАМЖОЛАРНИ ТУРИЗМ МАСКАНЛАРИГА АЙЛАНТИРИШ, УЛАР ҚОЛДИРГАН БЕБАҲО ИЛМИЙ-АДАБИЙ ЁЗМА МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИШ, ТАДҚИҚ ЭТИШ ВА ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИНИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТИШ БОРАСИДА КЕНГ КўЛАМЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

ЯНГИ ТАРИХ ҚАСРИНИНГ БУНЁДИ

Андижон - Бобурий замин сифатида дунё бобуршўнослари, юртдошларимиз учун қадрлидир. Ҳар йили Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон тамаддунига, илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси мавзусида Андижонда ўтказиладиган анъанавий илмий-амалий конференция муносабати билан жаҳоннинг турли мамлакатларидан не-не машхўр олимлар, тарихчилар, адиблар, арбоблар бу заминга келиб-кетмоқдалар.

1992 йилдан фаолият юритиб келаётган Бобур номидаги Халқаро жамоат фонди ташаббуси билан Андижоннинг Боғишамол даҳасида барпо этилган Боғи Бобур мажмуасидаги Бобур Мирзонинг рамзий мақбараси, “Бобур ва жаҳон маданияти” музейи ва бошқа иншоотлар бугунги кун талаблари билан мутаносиблик касб этмай қолганлиги учун Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Андижонга аввалги ташрифи давомида муайян топшириқ ва кўрсатмалар берган эди. Шу асосида ушбу мажмуа янги, замонавий-миллий қиёфага эга бўлиб, Бобур ва бобурийлар ҳаёти, ижодида қизиққан хорижлик меҳмонлар, юртдошларимиз учун зиёратгоҳ жойига айланди.

Президентимиз 2021 йил 17 июнь кўни ана шу Боғишамол адирликларига яқин бўлган Андижон туманининг умумий майдони 4 минг гектар бўлган фойдаланилмай ётган адирликларда барпо этиладиган янги шаҳарга тамал тошини қўйиб берди.

Ушбу мега лойиҳа республикаимиз вилоятлари ичида аҳоли жиҳатидан энг зич, ҳудуд жиҳатидан энг кичик бўлган Андижон вилояти халқининг эмин-эркин, яхши шароитларда яшashi учун қўйилган пойдевордир.

Уй-жой муаммоси кўпайиб, талаб йиллар сайин ошиб бораётган, бир хонадонда бир неча келин қайнонаси билан яшашга мажбур бўлаётган ҳудудда Президентимиз узоқни кўзлаб, янги шаҳар қуриш, бу ерда 130 мингдан ортиқ хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этилиши, 500 мингга яқин аҳоли яшashi мўкин бўлган мега лойиҳага асос солди.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон” боғида ташкил этилган халқ сайлида сўзга чиқиб, Янги Андижон шаҳарчасига “Бобур шаҳри” деб ном бериш таклифини билдирганлиги катта тарихий воқеадир.

Бобур Мирзо туғилиб ўсган табарруқ заминда унинг

дилида қолган армонларини рўёбга чиқариш билан бирга, шаҳарни халқаро маданият ва туризм марказига, илм-фан, адабиёт, спорт каби қатор соҳалар бўйича учинчи Ренессанснинг таниқли вакилларини етиштира оладиган ақли шаҳарга айлантириш гоёси кишини ҳаяжонга солади.

Бобур Мирзо ва унинг авлодари бунёд қилган тархий обидаларнинг рамзий намуналаридан иборат мажмуа барпо этиб, ҳудудни маънавият, маърифат марказига, халқ хунармадчилиги, адабиёт ва бобуршўнослик марказига айлантириш, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг маҳобатли монументини ҳаққоний акс эттириш бўйича Президентимиз томонидан кўрсатмалар берилди. Бобурийлар томонидан Ҳинд диёрида қад ростлаган, асрлар давомида инсоният аҳлини хайратга, ҳаяжонга солиб келаётган меъморий обидаларнинг андозаси ўлароқ мажмуа келгусида оламшумул шухрат қозонишни тасаввур қилиш қийин эмас.

Давлатимиз раҳбари бобуршўнослик йўналишидаги ишларни янада жадал давом эттириш, ривожлантириш ҳақида ўз фикларини билдирар экан, ўз ўрнида халқаро Бобур фонди асосини, фидойи инсон, Ўзбекистан Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Зокиржон Машрабовнинг узоқ йиллик меҳнатларини эътироф этди. Бу ҳудудда таниқли шоирларнинг шеърлари ҳақида туриши лозимлигига ҳам урғу берди. Биз адабиёт аҳли, айниқса, бобурий заминда қалам тебратаётган ижодкорларнинг қалбимиз фахр-ифтихорга тўлди.

Бу маскан бетакрор шахси, бой илмий-маънавий, адабий мероси, яратувчилик, бунёдкорлик ишлари, улуғвор инсонпарварлик гоёлари билан тарихнинг энг гўзал саҳифаларини ёритган Бобур Мирзонинг ўзидек оламшумул, улуғвор шаҳарга айланади.

Бир умр ватан соғинчи билан яшаган буюк ажодимизнинг ўз она юртига руҳан қайтганлиги муборак бўлсин! Президентимиз орзу қилганидек, бу шаҳар юртимиз шухратини оламга ёядиган ҳақиқий бобурийларга бешик бўлсин!

Ҳуршида ВАҲОБЖОН қизи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлими раҳбари, шоира.



2024 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан 123 та масала партия гуруҳларида ва доимий комиссияларда, 103 та масала сессияларда муҳокама қилиниб, қарорлар қабул қилинишига эришилди. Дастурлар ижроси юзасидан ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган 407 та депутатлик сўровлари юборилди.

Бу Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган қорақалпоғистонлик депутатларнинг ўтган йилда амалга оширган ишларидан бир маълумот эди. Ўрганилган масалаларнинг катта қисми сессияларга олиб чиқилиши ечим қафолатланишидан, депутатлик бирлашмалари қатъий позиция қўрсатаётганидан далолат беради, албатта.

Яна бир муҳим ҳафати, бу қорақалпоқ элининг ишонч билдирган вакиллари кенг қўламли ислохотларнинг нафақат иштирокчиси, балки уларнинг ижросини таъминлашда бошқаларга намуна қўрсатаётганининг ифодасидир.

Англаганингиздек, ушбу сонимизда, Қорақалпоғистондаги партиямиз ташкилотлари ва депутатларининг фаолиятини ўзларининг нуқтаи назари билан таҳлил қиламиз.

Сўхбатдошимиз **Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Халилла Ешимбетов** бўлди.

– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиде, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларида ХДП етарлича куч ва салоҳиятга эга. Сиз етакчилик қилаётган партия ташкилоти ана шу имкониятдан қай даражада фойдаланмоқда? Қўзга кўринарли ташаббуслар ҳақида нима дейиш мумкин?

– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиде 12 нафар депутатимиз бўлса, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида эса уларнинг сони 82 нафарни ташкил этмоқда. Шундан, 34 нафари хотин-қизлардир.

Ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиде партиямиз фракцияси, шунингдек, 17 та туман ва шаҳар Кенгашларининг барчасида партия гуруҳлари дастурий мақсадларимизни амалга ошириш учун фаол ҳаракат қиялпти. Бу албатта биз учун катта куч ва имконият дегани. Уларнинг салоҳиятларинг канчалик унумли фойдалансак, партиямизнинг жамиятдаги ўрни шунча мустаҳкам бўлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг амалий Ҳаракат дастури ижросини ҳудудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, ўтган йилги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси, шунингдек, Тахтақўпир, Шўманай, Тўртқўл, Эллиққалъа, Амударё, Бўзотов, Қораўзак, Мўйноқ, Тахматощ, Чимбой, Нукус шаҳри ва тумани Кенгашларидаги партия гуруҳлари анча фаоллик кўрсатди.

Партиямиз ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларига фуқаролар томонидан 886 та мурожаат келиб тушди. Ушбу мурожаатларнинг 873 таси, яъни 98 фоизи партия масъул ходимлари ҳамда депутатларимиз иштирокида ижобий ечим топди.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга маҳаллий Кенгаш депутатларини бириктирган ҳолда уларнинг муаммосини босқичма-босқич ҳал этиши, ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш мақсадида “Аёлларга кўмак” лойиҳаси ўтказилди.

Мазкур лойиҳа доирасида 238 та тadbирлар ташкил этилиб, 223 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг муаммолари ўрганилди ва амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 12 нафар ногиронлиги бор хотин-қизларга аравача, 12 нафарига қўлтиктаёқ ва эшитиш мосламаси олиб беришга кўмак берилди. Шунингдек, 15 нафарига тикув машинаси олишда, 16 нафар аёлларга ҳуқуқий-психологик ёрдамлар кўрсатилди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётига интеграция жараёнидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадида “Тенг ҳуқуқ – тенг имкониятлар” лойиҳаси доирасида 5 мартаба тadbир ташкил этилди. Tadbирларда 112 нафар ногиронлиги бўлган шахсларга амалий кўмак берилди.

Лойиҳа доирасидаги мурожаатлардан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган оилаларга “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходимлари билан ҳамкорликда дори-дармонлар, озиқ-овқатлар тақдим этилди. Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш,

Режа, ижро, таҳлил ва ечим

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК ФАОЛЛАРИМИЗ АНА ШУ ПОЗИЦИЯДА ИШЛАМОҚДА

камбағалликни қисқартириш, муаммоларни тезкорлик билан жойида ҳал этишга қаратилган “Депутат маҳаллада”, “Маҳаллада камбағал оилалар сонини камайтириш” лойиҳалари амалга оширилди. Шунингдек, депутатлар томонидан фуқаробай, хонадонбай аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида 58 мартаба сайёр қабуллар ўтказилди. Уларда 12 640 нафар аҳоли қатнашди ва 886 та муаммоли масалалар кўтарилди. Мазкур муаммоларнинг 873 таси ижобий ҳал этилган бўлса, 13 та масала депутатлар томонидан назоратга олинди.

Аҳолини ўйлантираётган йўлларни таъмирлаш, электр энергияси, сув таъминоти, янги иш ўринларини яратишга оид 200 та масала ўрганиб чиқилди, уларни ижобий ҳал этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Шу ўринда яна бир хайрли ва янги ташаббус ҳақида айтмоқчиман. Биламизки, янги тахрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди. Бу айниқса бизнинг электоратимиз учун жуда муҳим.

Жорий йил 3 январь куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси кўмита раислари, АТ Халқ банки Қорақалпоғистон Республикаси филиали ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги вакиллари, фракция аъзолари ва ОАВ вакиллари иштирокида Жўқорғи Кенгесдаги фракциямизнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Кун тартибиде Жўқорғи Кенгес раиси ўринбосари, 47-Саноат сайлов округидан депутат, ЎзХДП фракция аъзоси Р.Сапарбаевнинг “Барча янги туғилган болалар учун болалар депозитини очиш бўйича лойиҳаси” тақдими ҳаида фракциямизнинг 2025 йилга мўжалланган иш режаси муҳокама этилди.

Янги туғилган чақалоқларни тарбиялаш ва вояга етказишда ота-оналарни қўллаб-қувватлаш муҳим, албатта. Бунинг учун қўшимча имкониятлар яратиш ва уларни болаларга узоқ муддатли сармоя киритишга янада фаол жалб қилишни рағбатлантириш керак, деб ўйлаймиз.

Шу мақсадда Жўқорғи Кенгес раиси ўринбосари Рустам Сапарбаев барча янги туғилган болалар учун болалар депозитини очиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқди.

Агар ушбу лойиҳа давлат томонидан қўллаб-қувватланса ва дастлабки маблағ ажратилиш чоралари кўриلسа, бунда бола вояга етганда шахс сифатида шаклланиши, қобилятини ривожлантириши учун мустақил молиявий ресурсларга эга бўлишини таъминлашга имкон яратилади.

Барча янги туғилган болалар учун болалар депозитини очиш, бу депозитни ота-оналар, васийлар ёки бошқа ҳомиёлар томонидан қонун асосида босқичма-босқич тўлдирishi имкониятини таъминлаш ҳамда 18 ёшга тўлганда, тўпланган маблағларни фойзалар билан олиш ҳуқуқини беради. Шунингдек, аҳолида узоқ муддатли инвестицион тафаккурни босқичма-босқич шакллантиради.

Ўз навбатида, аҳолининг жамғармаларини янада инвестициялаш ва капитални ўстириш ҳисобидан уни кўпайтиришга мойилликни оширади. Муҳими, босқичма-босқич амалга ошириладиган ўзгаришлар “ўлик пул” кўринишидаги жамғармалар ҳажмини қисқартиришга хизмат қилади.

Лойиҳага кўра, болалар депозити эгасига келгусида яъни, вояга етганидан кейин ўз ота-онасига ғамхўрлик қилиш борасидаги конституциявий мажбуриятларини бажариш имконияти ҳам яратилади. Натижада мамлакатнинг “ижтимоий давлат” сифатидаги имижи ўсади. Бундан ташқари, узоқ муддатда давлатнинг қўшимча бюджет харажатлари кўринишидаги ижтимоий юки камаяди.

Болалар депозитининг эгаси 18 ёшга тўлганидан сўнг таълим олишни давом эттириш, уй-жой ва маиший масалаларни ҳал қилиш, тўпланган маблағларни кейинчалик инвестиция қилиш ёки улардан бошқа шахсий қонуний мақсадлар учун фойдаланиш каби эҳтиёжлари учун бўш молиявий ресурсларга эга бўлади. Йиғилишда иштирокчилар лойиҳа бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурига мос эканини, партия электорати манфаатларига хизмат қилишини эътироф этди.

Шунингдек, жорий йил 5 февраль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг қўшма йиғилишида ҳам мазкур лойиҳа тақдими ўтказилди ва партия ташкилотлари, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

— Сиз Қорақалпоғистон Республика партия кенгаши ишидан шахсан ўзингиз қониқасизми? Партия кенгаши йўл қўйган хатолар сизнингча, нималардан иборат? Камчиликлар қандай ва қайси пайтда ижобий тенденция томон силжийди?

– Партия ташкилотларимиз ва депутатлар томонидан аҳолини, шу жумладан, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш,

уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида жойларда қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Янги ташаббуслар билан чиқиш, янада фаоллик кўрсатиш, ишга солинмаган имкониятлардан унумли фойдаланишга жон-жаҳдимиз билан киришганмиз.

Партия кенгаши кейинги йилларда ўзининг иш услуби ва фаолият самарадорлигини ошириш борасидаги муҳим қарорларни қабул қилди. Хусусан, аҳоли, сайловчиларнинг партияга нисбатан хайрихоҳлиги ва ишончини оширишга қаратилган амалий ишлар натижасида биргина 2024 йилнинг ўзида партия сафига қўшилиши, у билан бирга бўлишни истаган 18875 нафар фуқаро аъзоликка қабул қилинган бўлса, жорий йилнинг 1-чораги давомида уларнинг сони 1773 нафарни ташкил этди.

1 апрель ҳолатига партия аъзоларининг умумий сони 62 410 нафарга етди. Уларнинг 31274 нафари ёки 50 фоизи аёллар, 26286 нафари ёки 42,1 фоизи ёшларни ташкил этади. Бошланғич партия ташкилотлари сони эса 674 тага етди.

Бошланғич партия ташкилоти – партиянинг негизи ҳисобланади. Уларнинг самарали фаолияти партия ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада, жойларда депутатларнинг бошланғич партия ташкилотлари билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш, партия электорати вакиллари муаммоларини чуқур ўрганиш ва ечимини топиш, партия ва унинг депутатлик корпуси фаолиятини янада яхшилаш мақсадида партиянинг Қорақалпоғистон Республика Кенгаши Ижроия кўмитасининг “Партия депутатлик гуруҳлари иш самарадорлигини ошириш тўрисида”ги қарори қабул қилиниб қатор вазифалар бегилаб олинди.

Жумладан, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашиш, фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, иш самарадорлигини ошириш учун партия туман, шаҳар кенгашлари томонидан уларни ахборот-таҳлилий ва таъшиқий материаллар билан тўлиқ таъминлаш зарурлиги қайд этилган.

Шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари депутатлик бирлашмаларининг асосий таянч бўғини сифатида сессия қарорларини, қонунчиликдаги янгиликларни энг аввало бошланғич партия ташкилотида муҳокама этиш ва тақлифлар олишни тажрибага айлантириш, электорат манфаатларига хизмат қилувчи масалаларни бошланғич партия ташкилоти-депутатлик гуруҳи-сессия тизимида муҳокама этишни йўлга қўйиш вазифалари белгиланган.

Бугунги кунда ушбу тизим асосида жойларда амалий ишлар олиб борилмоқда. Ҳар бир депутатни бошланғич партия ташкилотига бириктириш, бунда депутатнинг сайланган округи ҳудудидаги бошланғич партия ташкилоти билан алоқани мустаҳкамлаш, сайлов округи ҳудудида бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлмаса, янгидан бошланғич партия ташкилоти очиш чоралари кўрилкоқда.

Барча амалий тadbирлар энг аввало бошланғич партия ташкилотларида ўтказиб келинмоқда. Хусусан, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида бошланғич партия ташкилоти етакчисининг иштирок этиши, шунингдек, бугунги кунда ўтказилаётган бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида депутатларнинг иштирок этишлари йўлга қўйилган.

Ушбу амалий ишлар ўз самарасини бермоқда. Шунинг учун ҳам партиямиз фаолиятидан қониқаман-да.

Эътиборга молик ишлар кўп, албатта. Аммо бу — соҳада барча ишлар “беш” дегани эмас. Фаолиятимизда ўз ишимиздан кўнглимиз тўлмаган пайтлар ҳам бўлади. Бу кўпроқ одамларимиз билан мулоқотларда юзага чиқади. Лекин албатта, аҳоли билан учрашувлардан сўнг янги тақлифлар туғилади.

Айрим ҳолларда депутатларимиз масалани ўрганиб, сессия муҳокамасига киритиб, сессия қарори ижросига келганда суствлашиб қолишяпти. Сессияда қабул қилинган қарорлар ижро этилмаса, бунинг назорат механизми ишламаса, бундан қимга наф? Шунинг учун бу борада назорат тизими ёки ижро механизмларини кучайтириш керак, деб ўйлайман.

Яна бир муҳим масала. Биз ҳудудлар марказларида эмас, чекка ҳудудларда ҳам инновацион ёндашув асосида ишларни ташкил этишимиз керак. Аҳоли билан мулоқот қилишда янги технологиялардан фойдаланиш, рақамли платформа ва ахборот тизимлари орқали мулоқотни кенгайтиришга эътибор кучайиши лозим. Ва албатта, ҳар бир ўзгаришдан аҳолининг хабардорлигини ошириш зарур. Шунда депутатга, партия ташкилотига муаммоси бўйича мурожаат қилмоқчи, ўз тақлифини айтмоқчи бўлган сайловчиларимиз вақтини ва маблағини тежайди, узоқ масофа босиб сарсон бўлиб юрмайди, рақамли технологиялар имкониятлари орқали биз билан бемалол боғланади.

Фаолиятимиз янада самарали бўлиши, ишимиз ижобий тенденция томон илғор силжиши учун ана шу жиҳатларга эътиборни кучайтириш керак. Шунингдек, сайловчилар ҳузурига кўпроқ боришимиз, бошланғич партия ташкилотларига янада яқинлашиш ҳам бу борада яхши самара беради, деб ҳисоблайман.

– Ютуқлар ҳақида гапирдик, хато ва камчиликларга тўхталдик. Келинг, энди бевосита партиянинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш масаласига тўхталсак. Бундан кейин нимани кутсак бўлади? Яна бир савол. Юқорида муаммоларни айтдингиз. Хўш, сиз бу муаммоларни тўлиқ бартараф этишга ваъда бера оласизми?

– Муаммолар бор ва уларни бирданига тўлиқ бартараф этиш осон эмас. Лекин партиянинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш учун бор куч ва имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланган ҳолда қатъий ҳаракат қиламиз.

Барча даражадаги партия ташкилотлари, депутатлар, фаолларимиз бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, ислохотлар кузатувчиси эмас, балки фаол иштирокчиси бўлишимиз керак.

Партиямиз дастурий мақсадлари ва Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, алоҳида йўналишлар ва масалаларга чуқур ёндашишимиз талаб этилади.

Ҳозирги кунда ижтимоий ҳимоя, аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, бошқа ижтимоий муаммоларни самарали ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу партиямиз учун, фракциямиз, депутатлик гуруҳларимиз учун катта масъулиятдир.

Бу борада бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади: Биринчидан, 2025 йилда амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш жараёнида партия кенгашлари ва депутатлик корпуси фаол иштирок этиши ва тарғибот ишларини олиб бориши лозим.

Иккинчидан, партия гуруҳларининг назорат-таҳлил йўналишлардаги фаолиятини янада кучайтириш, айниқса қонунларга тақлифлар бериб бориш масалаларига эътибор қаратишимиз керак.

Учинчидан, депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти ва партиянинг аҳоли ўртасидаги тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ўта муҳимдир.

Бунда, авваламбор, партиямизнинг депутатлари фаолияти ва амалга оширилаётган мақсадлар тўрисида сайловчиларни мунтазам хабардор қилиб боришимиз лозим. Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни, партия электорати вакилларининг кайфиятини тизимли мониторинг қилиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу ўрганишлар орқали мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ечиб боришга алоҳида эътибор қаратилади.

Тўртинчидан, ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича “маҳаллабай” ва “фуқаробай” шаклида олиб борилаётган ишларни ташкил қилишда партия ташкилотлари ва депутатларнинг иштирокини самарали таъминлаш зарур.

Ҳудудларда депутатларимиз партиямиз электорати бўлган эҳтиёжманд, камбағал оилалардаги ҳақиқий муҳитни ўрганиши, бундай оилалар вакилларининг бандлигини таъминлашга тўсиқ бўлаётган ҳар бир масалани чуқур ва атрофлича таҳлил қилиши, муаммоларни ечиш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиши зарур.

Энг асосийси, ҳар қандай масалани “режа, ижро, таҳлил ва ечим” бўйича узвийликда олиб боришимиз лозим. Шундагина, биз муаммони соҳага жавобгар мутасаддилар олдига аниқ қўйиб, натижасини дадиллик билан талаб қила оламиз.

Бешинчидан, доимий электоратимизнинг асосий ижтимоий гуруҳлари тизимли ва тўла қамраб олинишини таъминлаш, партиянинг сиёсий позицияси ва дастурий мақсадларини тушунтириш орқали ижтимоий-сиёсий тadbбирлар аудиториясини янада кенгайтириб боришимиз лозим.

Олтинчидан, партиянинг асосий бўғини ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш борасидаги фаолиятимизни янада кучайтиришимиз керак. Бунда, биринчи навбатда партия аъзолари, хайрихоҳлари ва тарафдорлари билан тигиз ишлаш, бошланғич ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, сессия кун тартибига киритиладиган масалалар бўйича тақлифларни қуйидан, айнан бошланғич ташкилотларидан олиш тизимини йўлга қўйиш зарур.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланиш мақсадида барча куч ва имкониятларимизни ишга солиб, электорат манфаатлари ҳимояси учун қатъий бел боғлашимиз лозим.

Бу ишларни амалга оширишда партия ташкилотларимиз ва депутатлик бирлашмаларида салоҳият, тажриба, имкониятлар ва ваколатларимиз етарли.

**“Ўзбекистон овози” муҳбири
Лазиза ШЕРОВА сўхбатлашди.**

ОҒРИҚЛИ НУҚТА

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ РЕКЛАМАСИ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ МУҲИМ



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича дори воситаларининг ножўя таъсиридан ўлим кўрсаткичи юрак-қон томир, онкологик, бронхопуймонер ва травматологик касалликлардан кейин бешинчи ўринда туради. Биргина антибиотиклардан нотўғри фойдаланиш туфайли ҳар йили 700 минг киши вафот этади.

Мутахассислар бугунга келиб айниқса, ижтимоий тармоқлардаги дори воситаларининг узлуксиз рекламаси таъсирида ҳасталикка даво излаб биринчи галда шифокор ҳузурига эмас, балки дорихонага бориш кўникмаси жамиятда оммалашаётганини хавотир билан таъкидлайдилар. Ҳатто сурункали касалликларни ҳам “бир зумда даволайдиган” турли дори воситаларининг таъриф-тавсифи мунтазам экранларда “айланиши” одамларни ўзини ўзи даволашга ундамоқда.

Гап инсонлар саломатлиги ҳақида борар экан, бундай ҳолатга шунчаки кўз юмиб бўлмайди. Аҳолида тиббий саводхонлиқни, хусусан, дори воситаларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш ҳамон долзарб аҳамиятини йўқотгани йўқ. Фармацевтика маҳсулотлари муомаласини тартибга солиш чора-тадбирларини такомиллаштиришда фақат давлат эмас, жамоатчилик ҳам фаол бўлиши, халқ вакиллари бу борада намуна кўрсатиши ҳаётий заруратга айланди. Сифатли, хавфсиз ва арзон дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар таъминотини том маънода яхшилаш учун назорат институти ҳар қачонгидан ҳам керак бўляпти. Назорат институтининг ишлаши учун биринчилар қаторида, табиийки, халқ ишонч билдирган сиёсий партиялар ташаббускор бўлмоғи лозим.

Электорат манфаатидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлари жойларда дори воситалари рекламасига оид қонуний талабларга қай даражада рияз этилаётганини тегишли тартибда ўрганди. Ўрганишлар юқоридаги фикримизни яна бир бора тасдиқлаб, ўз ечимини кутаётган вазифалар оз эмаслигини кўрсатди.

ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР КЕРАК

Миллат генофондини сақлаш, халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кечиришини таъминлаш мамлакатимиз ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири. Бу йўлда соғлиқни сақлаш тизимини трансформация қилиш, истеъмолчиларга сифати, хавфсизлиги ва самарадорлиги кафолатланган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар етказиш ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон фармацевтика бозорига йиллик ўсиш динамикаси барқарор суръат касб этиб, МДҲ минтақасида етакчи ўринни эгаллаётгани, ўз навбатида мамлакат фуқароларини ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон ва сифатли фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган 50 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга киритилгани ушбу соҳанинг жадал тараққий этаётганидан далолат беради.

-Лекин бунга парадокс равишда дори воситаларига оид рекламаларнинг аҳоли саломатлигига кўрсатаётган таъсири нафақат тиббий, балки ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни юзага келтирмоқда, - дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи Мавжуда ҲАСАНОВА**. -Ахборот хуружлари даврида фуқаролар шифокор тавсиясисиз, турли визуал тарғибот ёки интернетдаги маълумотларга таяниб, дори воситаларини сотиб

олиш ва истеъмол қилишга мойил бўлиб бормоқда.

Бундай хулосага келишимизнинг сабаблари бор. Биргина Тошкент шаҳрининг барча туманларида 100 дан ортиқ дорихоналарда олиб борилган ўрганишлардан маълум бўлдики, ушбу йўналишда амалдаги қонунчилик талаблари ҳали-ҳамон тўлиқ ва изчил бажарилмаяпти.

Аввало, аксарият дорихоналарнинг асосий қисмида дори воситалари қатор териб қўйилиб, очиқ ҳолда пештахтага жойлаштирилган. Мазкур ҳолат кўпинча харидорни визуал таъсир орқали, яъни “кўриб танлаш”га ундайди ва “Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасидаги “товарни мажбурий сотишга ундайдиган таъсирлардан сақланиш” тамойилига зид келади.

Яна бир оғриқли жиҳати, харидорларнинг жуда катта қисми шифокор рецепти билан эмас, балки ўзи тузиб олган рўйхат асосида дори воситалари харидини амалга ошираётир. Дорихона ходимлари эса рецепт ҳақида оғиз ҳам очшмаяпти, шунчаки харидор сўраган маҳсулотни бемалол сотишмоқда.

Шу жараёнда фуқаролар билан мулоқот қилинганда, 10 нафар мижоздан 7 нафари “қўшниси ёки танишининг тавсияси” ёки телевизорда кўрган рекламага”

билан дори қабул қилиш хавфи ортса ортадики, камаймайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий ҳаётимизга дахл қилувчи бу муаммони тизимли равишда ўрганиб, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатъий чоралар кўрилиши тарафдори ва ҳамкорликка доимо тайёр.

ЖИДДИЙ ХАВФ

Мақсуда ВОРИСОВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
раиси ўринбосари:

- XX асрда антибиотиклар, антивирус ва оғриқ қолдирувчи воситалар каби бир қатор дори гуруҳлари кашф этилиши аҳоли томонидан дори-дармон қабул қилинишини жиддий кўпайтирди. Дорилар касаллиқни даволаши, симптомларни юмшатиши ёки асоратларнинг олдини олишга қаратилади. Айнан зарур дори оптимал доза ва муддатга буюрилиши касаллиқни ўз вақтида бехатар даволашнинг асосидир.

Соғлиқни сақлаш тизими ходимлари (врачлар ва фармацевтлар) дори-дармонлар тўғри қўлланилишини таъминлашда хал қилувчи ролни бажарадилар.

Бироқ бунинг акси ўлароқ, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган

инқилоб қиладиган даражада кўпайди. Агар эътибор берсангиз, дунёда дори-дармон ва БАДлар савдоси энг кўп маблағ айланиши бўйича тўртинчи ўринда туради. Аммо кейинчалик БАДлар ҳамма касалликда ҳам ўзини оқламаслиги аниқ бўлди ва оммавий қизиқиш сўнди. Бизда эса ҳанузгача БАД кучига ишониб, мутахассис буюрган дориларни қабул қилмай, касаллигини зўрайтириб юбораётган беморлар топилади. Аёллар ўртасида ортиқча вазндан “осонгина” дори қабул қилиш орқали халос бўлишга интилаётганлар ҳам кўп. Йигитлар эса гормон препаратлари қўшилган дорилар ёрдамида мускулларини ривожлантиришга қизиқмоқдалар. Ҳар икки ҳолат ҳам инсон жигари ва бошқа аъзоларининг зарарланишига сабаб бўлади.

Европа Иттифоқиға кирувчи 27 давлатдан Германия, Дания, Швейцария ва Бельгияда дори-дармонлар рекламаси бутунлай тақиқланган. ЕИнинг қолган давлатларида ва АҚШда дори воситалари рекламасини қонунчилик билан чеклаш чоралари кўрилмоқда. Канадада ҳам теле ва радио орқали дорилар рекламасини тақиқлаш амалга киритилди. Ривожланган давлатларда янги дори воситаларни рўйхатдан ўтказиш талаблари кучайтирилмоқда.

Дунё миқёсида мана шундай тенденция кузатилаётган бир шароитда мамлакатимизда рецептсиз дори воситалари рекламаларини тартибга солиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш зарурати сезилаётир. Халқ саломатлигини асраш давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, аввало, соғлиқни сақлаш тизимини, инчунун, фрамацевтика бозорини алдамчи рекламалар ва инсофсиз бизнесдан тозалаш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ ЎРТАСИДАГИ ТАФОВУТЛАР

Сайёра ИМАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
эъосиси:

-Партиямиз томонидан ўрганишлар давомида миллий ва хусусий телеканалларда дори воситалари реклама қилинган 15 та видеоролик таҳлил қилинди. Улардан 16.2 фоизда қонун талаблари бузилиши ҳолатлари аниқланди. Масалан, ана шундай рекламаларда “Бу дори уч кунда самара беради”, “Ҳеч қандай ножўя таъсири йўқ”, “Ҳамма учун мос” каби таърифлар келтирилган. Аммо бундай маълумотлар клиник асосланмаган ва оммавий ишончга таъсир қилувчи омил ҳисобланади. Қонунга кўра, дори воситаларини реклама қилишда истеъмолчини адаштирувчи, илмий тасдиқдан ўтмаган маълумотлар берилмаслиги шарт.

Ёки мана бу ҳолатни олиб кўрайлик. Телеканалларда қайсидир дори воситаси реклама қилинаётганида тасвирлар тағида жуда майда ёзувларда маълумот берилади. Шундай деб тахмин қилимиз, сабаби, ҳеч ким уларни ҳали тўлиқ ўқиб кўрмаган бўлса керак...

"Реклама тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасига кўра эса реклама орқали берилган маълумотлар тўлиқ ва тушунарли бўлиши шарт. Кичик шрифтдаги ёзувлар орқали реклама ёлгон ёки адаштирувчи ахборотни тарқатиши мумкин. Рекламада дори воситаси ҳақида, унга

тегишли салбий ёки иккиламчи таъсирлар ҳақидаги муҳим маълумотларни майда ёзувларда кўрсатиш нотўғри.

Ўрганишлар давомида депутатларимиз томонидан пойтахтимиздаги жамоат транспортларида дори воситалари рекламасига ҳам эътибор қаратилди. Мисол учун, Алишер Навоий метро бекатида жойлаштирилган дори воситаси рекламасида шундай ёзувлар ифода этилган: “Бу восита сизнинг ҳаётингизни осонлаштиради!”, “Табиий восита – ҳеч қандай ножўя таъсирсиз!”

Рекламада ножўя таъсирлар, ёш чеклови, контраиндикациялар ҳақидаги маълумотлар берилмаган.

Шунингдек, жамоат транспортда рекламаларнинг давлат органларидан тегишли рухсатномаларсиз жойлаштирилгани аниқланди. Масалан, 87- йўналишдаги автобусларнинг бирида жойлаштирилган баннерда тегишли дори воситасининг рухсат рақами ва ишлаб чиқарувчиси ҳақида маълумот мавжуд эмас.

Сўнгги йилларда дори воситаларининг интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали рекламаси кенг қулоч ёзмоқда. Хусусан, Telegram, Instagram, Facebook каби оммавий платформаларда дори воситаларини тарғиб қилиш, ҳатто уларни тўғридан-тўғри сотиш ҳолатлари кўпаймоқда. Бу эса нафақат амалдаги қонунчиликни бузиш, балки аҳоли саломатлигига жиддий хавф туғдирувчи ҳолатдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонунида рецепт бўйича бериладиган дори воситаларининг оммавий ахборот воситаларида, жумладан, интернетда реклама қилиниши тақиқланган. Тиббиёт ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги рекламалар аниқ, ишончли, илмий асосланган маълумотларга асосланган бўлиши шарт экани, ҳеч қандай ҳолда сохта маълумот, ёлгон ва манипулятив баёнотлар тақдим этилмаслиги кераклиги белгиланган.

Бироқ ижтимоий тармоқларда “Менга ёрдам берди”, “Катталар ва болалар учун мос”, “100 фоиз табиий ва хавфсиз” каби ифодалар билан дори воситаларини макташ ҳолатлари жуда оммалашган. Telegram ва Instagramда фейк “дорихоналар” ҳам борки, улар лицензияси бўлмағи туриб, фуқароларнинг уйига дори воситаларини қуръер орқали етказиб бераётгани ҳам қайд этилган.

Хуллас, ўрганиш жараёнида интернет платформа ва ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган дори рекламаларида энг жиддий қонунбузарликлар кузатилди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, дори воситаларининг реклама фаолиятида қонун талабларига рияз этилиши устидан кучли назорат ва жавобгарлик механизмлрини янада кучайтириш зарурати мавжуд.

Фармацевтика маҳсулотлари рекламаси ва сотуви юзасидан ҳуқуқий асослар аниқ ва қатъий белгилаб берилган бўлса-да, амалиётда уларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш учун жамоавий ва тизимли ҳаракатга талаб ортмоқда. Унутмайлик, бу масала халқимиз соғлиғи, ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш, миллат генофондини асраш билан боғлиқдир.

“Ўзбекистон овози” муҳбири
Фарида МАҲКАМОВА
ёзиб олди.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

Жисмоний, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир инсон, айниқса, болалар ва ёшлар таълим-тарбия олишда тенг имкониятларга эга бўлиши муҳим. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг позициясига кўра, бу масалада ҳуқуқлар ҳам, имкониятлар ҳам тенглигига эришиш устувор масала.

БИР МАВЗУДА ИККИ ФИКР



Шу мақсадда партиямиз ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш тарафдори сифатида майдонга чиққан. Сайловолди дастурида инклюзив таълимни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инклюзив таълимга жалб этилган болалар қамровини ошириш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Хўш, Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш бўйича қандай ишлар олиб борилмоқда? Тизимни такомиллаштириш учун мутасадди вазирлик вакили қандай фикрда-ю, партиямиз вакили бу ҳақда нима дейди?

Ушбу саволларга жавоб олиш мақсадида бир мавзуда икки фикрга қулоқ тутдик.

**Абдурауф АБДУҒАНИЕВ,
Мактабгача ва мактаб таълими
вазирлиги бош мутахассиси:**

– Охирги пайтда инклюзив таълим тушунчаси тез-тез тилга олинмоқда. Инклюзив таълим нима дегани ўзи? Бу мактабгача, умумий ўрта ва олий таълимни ўзгартириш жараёни бўлиб, барча ногиронлиги бўлган фарзандларимиз ундан фойдаланиши, ушбу таълимни уларнинг турли эҳтиёжларига мослаштириш мумкинлигини кўзда тутади.

Оддий тил билан айтганда, инклюзив таълим ногиронлиги бўлган болаларга нисбатан ҳар қандай камситишни истисно этадиган, барча учун тенг муомалани таъминлайдиган, лекин махсус таълим эҳтиёжига эга болалар учун зарур шароит яратадиган мафқурага асосланади.

Бу шуни англатадики, болалар ўз яшаш жойларида таълим олиши учун тенг имкониятларга эга. Умумтаълим мактаблари махсус таълим эҳтиёжларини ҳисобга олади ва ўқувчиларга зарур махсус дастурлар ишлаб чиқиб, уларни билим олишлари ҳамда ижтимоийлашувига ёрдам берилади. Ва ниҳоят, барча болалар тенгдошлари билан тенг равишда ўрганиши, ривожланиши, ижтимоийлашуви ва бир-бирига бағрикенгликни ўргатиши мумкин.

Тахлилларга кўра, агар мактабларда инклюзив таълим билан қамраб олиш учун шароит яратилса, ногиронлиги бор 16 ёшгача болаларнинг 80 фоизидан ортиғи бемалол мактабга бора олади. Шунда ногиронлиги бор бола тенгдошларидан ўзини айро ҳис қилмайди, ишончи ошади, интилиши кучаяди.

Очиги, авваллари инклюзив таълим бўйича гаплар юрарди, аммо амалий қадам, умид берадиган жўяли натижа ҳам йўқ эди. Сўнгги йилларда бунинг ҳуқуқий асоси яратилди, шунга монанд шароит вужудга келди, ногиронлиги бор болалар мактабга борадиган бўлди.

Президентимизнинг 2020 йил 13 октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Унга кўра, 2025 йилда Ўзбекистонда инклюзив таълим тизими жорий қилинган умумий ўрта таълим муассасалари улушини жами мактабларнинг 51 фоизига, инклюзив таълим шартларида таълим олаётган алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар улушини эса 40 фоизга етказиш режалаштирилган.

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” давлат дастурига кўра, республикаимизнинг ҳар бир туманида (шаҳрида) босқичма-босқич инклюзив таълим талабларига жавоб берадиган камида биттадан умумтаълим мактаб фаолияти ташкил этилади. Бу жамиятимизда жисмоний, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир инсон, айниқса, болалар ва ёшлар таълим-тарбия олишда тенг имкониятларга эга бўлишида муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 13 октябрдаги қарорига асосан алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун “Таълим барча учун” тамойили асосида 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб таъриба-синов тарикасида республика бўйича 31 та умумий ўрта таълим мактабларида инклюзив синфлар ташкил этилди. Ушбу синфларга 122 нафар алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган болалар жалб қилинган.

Бугунга келиб эса республика бўйича 957 та умумий ўрта таълим мактабида 1901 нафар болалар инклюзив таълимга қамраб олинди.

Хўш, ногиронлиги бор болаларни инклюзив синфларга қабул қилиш тартиби қандай?

Ўқувчиларни инклюзив таълим синфларига қабул қилиш ҳамда чиқариш Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бошқармалари ҳузурида ташкил этилган Психологик-тиббий педагогик комиссия

хулосасига кўра, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар розилиги билан амалга оширилади.

Психологик-тиббий педагогик комиссия хулосасини олган ҳар бир ўқувчига ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан шахсий ҳужжатда йиғма жилди расмийлаштирилади ҳамда белгиланган тартибда яшаш ҳудудидаги мактаб раҳбариятига тақдим этилади ва мактаб директорининг буйруғи билан ҳужжатлаштирилади.

Инклюзив таълим синфларида умумий ўрта таълим дастурлари бўйича оммавий тарзда таълим олаётган ўқувчилар билан бирга махсус (коррекция) дастурлар асосида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар 3 нафаргача қабул қилинади.

Алоҳида таълим олиш эҳтиёжи бўлган болаларнинг мактабга келиб-кетишидаги ҳаёти ва соғлиги учун жавобгарлик уларнинг ўз ота-оналари зиммасида бўлади. Шунингдек, улар доимий равишда мактабдаги педагогик жамоа билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатади, психологик-педагогик жиҳатдан ўрганиш ва фарзандини тарбиялаш жараёнида иштирок этади.

Инклюзив мактабни яратиш учун биз аввало, соғлом болаларнинг ота-оналари билан ишлашимиз керак. Бундай ота-оналарга ногиронлиги бўлган бола ҳам жамиятнинг аъзоси эканлиги, бошқа болалар каби тенг ҳуқуққа эгаллигини тушунтириш керак, деб ўйлайман. Хўш, нимага?

ДЕМАК, ҲАР ИККИ ҲОЛАТДА ҲАМ ОТА-ОНАНИНГ ҲАМ АЙБИ БОР. ШУНИНГ УЧУН АЛОҲИДА ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖЛАРИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИНГ БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ, ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ҲАҚИДА ЖАМОАТЧИЛИК ЎРТАСИДА ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИНИ КЕНГ КЎЛАМДА ЙЎЛГА ҚЎЙИШ КЕРАК.

Амалда кўп гувоҳи бўлдик, соғлом болаларнинг ота-оналари ногиронлиги бўлган болалар барча болалар билан бирга ўқишига рози бўлмаяпти. Шундай ота-оналар борки, ногиронлиги бўлган ўқувчи унинг фарзанди билан бир партада ўтиришни, бир синфда ўқишини хоҳламайди. Ота-онада шундай қараш бўлгандан кейин шу оиладаги фарзанд ҳам шундай фикрлаши аниқ. Бу ногиронлиги бўлган ўқувчиларда ўзига ишончни сўндириш, ўзини давралардан олиб қочиш, тортиниш каби ҳолатларни келтириб чиқаради. Бу қайсидир маънода уларнинг камситилишига ҳам олиб келади.

Бундай болаларнинг ҳаётини ўрганишга, билим олишга бўлган иштиёқини рағбатлантиришда оиласининг ҳам ўрни катта, деб ўйлайман. Уларнинг ота-оналари аввало ўзлари фарзандларини жамиятга қўшишга интилишлари керак. Шундай ота-оналар борки, гап-сўзлардан қочиб, ногиронлиги бўлган боласидан уялади, ўқишга, мактабга олиб бормайди. Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган фарзандларини умумтаълим муассасаларида ўқитиши мумкинлиги ҳақида етарли маълумотга эга эмас.

Демак, ҳар икки ҳолатда ҳам ота-онанинг ҳам айби бор. Шунинг учун алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг билим олиш ҳуқуқи, инклюзив таълим тизимининг мазмун-моҳияти ҳақида жамоатчилик ўртасида тушунтириш ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш керак.

Таълим ташкилоти раҳбари эса инклюзив таълим синфига қабул қилинган ўқувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнига шахсан жавобгар ҳисобланади. Бунинг учун у доимий тарзда боланинг дарсларни ўзлаштириши, ўқув-дастурларини бажариши, соғлиги ҳамда психологик ҳолати бўйича мониторинг ишларини олиб бориши талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, инклюзив таълим жараёнига ота-она, таълим муассасаси ва жамоатчилик вакиллари бирдек масъулдир.

**Аброр ҚУРБОНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
бошқарма бошлиғи:**

– Маълумки, инклюзив таълим – алоҳида эҳтиёжга муҳтож бўлган болалар учун барча таълим жараёнига қўшилиш имконини яратиш концепциясидир. Шунинг учун ҳам дунё бўйича инклюзив таълимга алоҳида эътибор қаратилмоқда, чунки таълим соҳасидаги тенглик ва адолат, жамиятдаги ижтимоий интеграциянинг асосий мезонига айланмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда таълимда тенгликни таъминлаш, инклюзив жамиятни шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ногиронлиги бўлган, имконияти чекланган болаларнинг бошқа соғлом болалар билан тенг шароитда ўқиши учун инклюзив таълим шаклланди.

Тўғри, эътиборга аризгулик ислохотлар олиб бориляпти, ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлашга давлат томонидан алоҳида аҳамият берилаяпти. Лекин қабул қилинган қонунлар ва қарор, фармонлар ижроси мутасадди ташкилотлар томонидан тўлиқ бажарилмаяпти. Ногиронлиги бор шахслар ҳуқуқларини амалда қўллаш механизмлари тўлиқ ишга солинмаяпти.

Масалан, инклюзив таълимни самарали ташкил қилиш учун мактабларда махсус таълим воситалари, тренинглар, мутахассислар (масалан, дефектологлар, психологлар) ва ишлатиш учун мослашган ўқув материаллари зарур. Баъзи мактабларда бу ресурслар етишмайди, бу эса таълимнинг сифатини пасайтиради.

Яна бир масала бу ўқитувчиларнинг тайёргарлиги билан боғлиқ. Кейинги йилларда инклюзив таълим жорий этилган мактабларнинг раҳбар-ҳодимлари, ўқитувчи ва психологлари учун 72 соатлик махсус малака ошириш курси йўлга қўйилди. 2021-2024 йиллар давомида ушбу курслар орқали 6,2 минг нафар раҳбар ва педагоглар малака оширди. Шунга қарамадан, ўқитувчиларнинг инклюзив таълимга тайёргарлик даражасини



етарли малакада, деб ҳулоса чиқариб бўлмайди. Бундан ташқари, инклюзив мактабларда таълим олаётган болалар билан қўшимча ишлаш учун Ҳукуматнинг 2021 йилдаги 638-сон қарори билан ҳар бир инклюзив синф учун 1 нафардан махсус педагог штатлари ажратилиши белгиланган. Бироқ, бугунги кунда махсус педагог лавозимида ишлаш ваколатига эга бўлган ҳодимлар етишмаслиги сабабли республика бўйича 218 та (энг кўпи - Қашқадарёда 22 та, Сурхондарёда 32 та, Тошкент вилоятида 36 та) вакант ўрин мавжуд.

Бундан ташқари, баъзи оилалар инклюзив таълим концепциясини тўлиқ тушунайди ёки қабул қилишга тайёр эмас. Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг ота-оналари орасида етарли даражада тарғибот ишлари олиб борилмаганлиги сабабли улар ҳали ҳам ўз фарзандларини махсус мактаб-интернатларга беришни афзал кўришмоқда. Бу эса ушбу тоифадаги болаларнинг тенгдошлари сингари оддий мактабларда таълим олиш ҳуқуқларини чекланиши билан бир қаторда, инклюзив таълим қамровини янада кенгайтиришга тўсик бўлмоқда.

Бу муаммоларга ечим топиш учун мактаб, оила ва жамият ўртасидаги ҳамкорлик жуда муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида “инклюзив таълимни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инклюзив таълимга жалб этилган болалар қамровини ошириш” вазифаси белгиланган.

Шу боисдан партия фракцияси, фаоллари ва экспертлари томонидан мамлакатда инклюзив таълимни янада ривожлантириш масалалари муҳокама

қилинмоқда.

Фикримизча, Ўзбекистонда инклюзив таълимни янада ривожлантириш учун қуйидаги масалаларга эътиборни кучайтириш лозим.

Биринчидан, инклюзив таълимни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш зарур. Амалдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонунда инклюзив таълим алоҳида модда билан тартибга солинган бўлса-да, унда инклюзив таълим тушунчасига изоҳ берилмаган. Шунингдек, инклюзив таълим шаклини танлаш ҳуқуқи берилмаган.

Шу боисдан, “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси “Асосий тушунчалар” қисмига инклюзив таълим тушунчасини киритиш, шунингдек, 20-моддасига таълим шаклини танлаш ҳуқуқи алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг васийлари томонидан амалга оширилишини белгилаш, инклюзив таълим нафақат болаларга, балки ёшидан қатъи назар, барча шахсларга тааллуқли эканлигини кафолатлаш бўйича қўшмчалар киритиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, кўриш қобилиятида муаммоси бор болалар тоифаси билан тифлопедагог алоҳида ишлаши керак. Инклюзив таълимни ривожлантириш масаласи кун тартибига қўйилган экан, умумтаълим мактаблари ёки махсус мактаб интернатлари учун тифлопедагогларни тайёрлаш тизимини шакллантириш лозим. Шу боисдан инклюзив таълим тизими учун махсус педагог кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудуддаги олий таълим муассасаларида махсус педагогларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилиш лозим.

Учинчидан, мактаб биноларини инклюзив таълим учун мослаштириш чораларини кўриш. Бунинг учун, ҳар бир ҳудудда инвестиция дастури асосида мақсадли режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Тўртинчидан, адаптацияланган ўқув материалларини жорий қилиш. Алоҳида эҳтиёжли болалар учун ўқув материалларини (китоблар, тестлар, дастурлар) товушли ёки кўз билан кўришда ёрдам берадиган шаклларда (брайль ёки электрон форматларда) тақдим этиш, мултимедия ва техник воситаларни жорий қилиш, видео ва аудио материаллар, мултимедия дастурларини, интернет платформаларини инклюзив таълимга мослаштириш муҳим.

Бешинчидан, махсус индивидуал таълим режаларини ишлаб чиқиш, бунинг учун ҳар бир ўқувчининг махсус эҳтиёжлари ва қобилиятларига асосланган индивидуал таълим йўналишларини белгилаш, махсус ўқитувчилар, дефектологлар, психолого-педагогик кадрлар билан ҳамкорлик қилиш,

уларнинг таълим жараёнидаги фаолиятини фаоллаштириш талаб этилади. Шунингдек, оилалар билан ишлаш, уларга инклюзив таълимнинг аҳамиятини тушунтириш ва уларни жараёнга фаол жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Бу каби омилларнинг бартараф қилиниши жамиятда барқарор ижтимоий интеграцияни таъминлаш ва ҳар бир боланинг потенциалини тўлиқ ривожлантиришга ёрдам беради.

Ишонамизки, мамлакатда инклюзив таълимни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар ва ташаббуслар нафақат таълимда, балки жамият ҳаётида тенгликни таъминлашга хизмат қилади.

Мавзуга умумий ёндашишга, асосий масалаларни кўрсатишга ҳаракат қилдик. Инклюзив таълимни жорий қилиш осон бўлмаган жараён, бунга босқичма-босқич борилади. Мухими, дастурларда, қарор ва фармонларда белгиланган чора-тадбирларнинг ҳар бирига масъулият билан ёндашилса, тизимда олиб борилаётган ислохотлар албатта, ўз самарасини кўрсатади.

Бу қанчадан-қанча болаларнинг кўнглига ёруғлик олиб қиради, улар ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини ҳис қилади, шу тарика ҳаётга қарashi ўзгаради. Шунда ногиронлиги бор бола тенгдошларидан ўзини айро ҳис қилмайди, ўзига нисбатан ишончи ошади, интилиши кучаяди.

Ногиронлиги бор болалар ҳам кўп нарсaga эришиши мумкин. Шуни қанча кенг ва аниқ тушунасак, албатта, инклюзив таълимни ривожлантиришга эришамиз.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**



ЮРАГИДА ОЛОВИ БОРЛАР

Ўтган ҳафта якунида футбол бўйича 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё кубоги ниҳоясига етди. Унда U-17 Ўзбекистон терма жамоаси Осиё кубоги финалида мезбон Саудия Арабистонига қарши ўйинда ғалаба қозониб чемпионлиқни қўлга киритди. «Қирол Фаҳд» стадионида ўтган учрашув 2:0 ҳисобида якунланди.

Баҳсни қатарлик Муҳаммад Аҳмад Ал-Шаммари бошқариб борди. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларида икки жамоа вакиллари ҳам фаоллик кўрсатди. Учрашувнинг 39-дақиқасида Нурбек Сарсенбаев рақиб ўйинчиси билан тўқнашгач, унга оёғи билан зарба берди. Ҳакам бу ҳолатни қизил карточкага лойиқ кўрди, VAR унинг қарорини ўз қучида қолдирди. Футболчи майдонни кўзда ёш билан тарк этди. Бизникилар 10 киши бўлиб қолди.

Биринчи бўлимга қўшиб берилган 5 дақиқаликда Миразиз Абдукаримов жамоа дарвозаси сари бораётган футболчини оёғига тепиб тўхтатди, ҳакам унга ҳам қизил карточка кўрсатди, VAR бу гал ҳам «қизил»ни тасдиқлади, жамоада 9 киши қолди.

Футболчиларимиз танаффусга катта босим ва тушқунликда йўл олди. Олдинда бир тайм бор, 9 киши қолган Ўзбекистон терма жамоасининг ғалабасига деярли ҳеч ким ишонмасди.

Шунга қарамай, иккинчи бўлим бошида рақиб ўйинчисининг қўлига тўп теггач, Ўзбекистон фойдасига пенальти белгиланди, 50-дақиқада Муҳаммад Ҳакимов ундан унумли фойдаланиб, ҳисобни очди. Рақиб прессингни кучайтирди. «Comeback» умидида олдинга бораверди.

Лекин ўйиннинг 70-дақиқасида дарвозабон берган тўпни Садриддин Ҳасанов бир ўзи жарима майдонига қадар олиб келди, сўнгра дарвозабоннинг оёқлари орасидан зарба бериб, ҳисобни 2:0 кўринишига келтирди. «Қирол Фаҳд» стадиони ларзага



ЭЪЛОН

2025 йил 20 май куни соат 11-00 да Тўрткўл тумани «УЛЛУБОҒ» ОФДА ЖОЙЛАШГАН "ТўРТКЎЛДОНМАҲСУЛОТИ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ БИНОСИДА «ЖАМИЯТНИНГ 2024 ЙИЛ МОЛИЯВИЙ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ЯКУНЛАРИ» БЎЙИЧА ПАЙЧИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛАДИ.

КУН ТАРТИБИ:

1. Соф фойдани тақсимлаш ва унинг бир қисмини дивидентларга йўналтириш.
2. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш.
- 3.Шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш.
4. Ташкилий тузилмани тасдиқлаш.
- 5.Корхонанинг ижроия органини сайлаш, тайинлаш, йўллаш, унинг

ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш.

- 6.Эълон қилинган акцияларнинг энг юқори миқдорини белгилаш.
- 7.Акцияларни бўлиш ва консолидациялаш.
- 8.Корхонанинг устав капитали миқдорини кўпайтириш ёки

камайтириш.

- 9.Мулкни гаровга бериш.
- 10.Йирик битим тузиш ёки корхонанинг аффилланган шахслари билан битим тузиш.
11. Кузатув кенгаши раисини сайлаш.

Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани, «Уллубоғ» ОФЙ. "Тўрткўлдонмахсулоти" МЧЖ биноси.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

“**ШУ ТАРИҚА ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ ЎЗ ТАРИХИДА ИККИНЧИ МАРТА ОСИЁ ЧЕМПИОНИГА АЙЛАНДИ. ИЛК ЧЕМПИОНЛИККА 2012 ЙИЛДА ЭРОНДА ЭРИШИЛГАНДИ.**”

келди. Ҳисоб ўйин сўнгига қадар сақланиб қолди.

Шу тариқа Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўз тарихида иккинчи марта Осиё чемпионига айланди. Илк чемпионликка 2012 йилда Эронда эришилганди.

Ушбу турнирда ўсмирлар терма жамоаси мағлубиятга учрамади, гуруҳда Таиланд (4:1), Хитой (2:1) ва Саудия Арабистони (3:0), чорак финалда БАА (3:1), ярим финалда КХДР (3:0) устидан ғалаба қозонилди. Футболчилар 17 та гол урди ва 3 та гол ўтказиб юборди.

Хужумчи Асилбек Алиев бешта гол билан чемпионат тўпурарига айланди. Садриддин Ҳасанов мусобақанинг энг яхши футболчиси, Неъматуллоҳ Рустамжонов бўлса энг яхши дарвозабон деб топилди.

Бир сўз билан айтганда, ўсмирларимиз бирдамликнинг ёрқин намунасини кўрсатишди. Ўзбекистон ёшларининг юрагидаги оловни, ғалаба шууримизда борлигини яна бир бор дунёга намаён қилди.

Ўз мухбиримиз

Анъанавий “Китобхонлик ҳафталиги” бошланди

Китоб ўқиш инсонга мусиқа тинглаш, сайр қилиш ва спортдан кўра самаралироқ таъсир кўрсатиши илмий асосда исботлаган. Болаларни эса, айниқса, кичик ёшдан китоб ўқишга қизиқтириш жуда муҳим. Бу орқали уларда сўз бойлиги, тасаввур олами кенгайди. Савод, идрок ҳисси шаклланади. Визуал, яъни, кўз хотираси кучаяди. Бугун замонавий дунёда энг илғор технологиялар, интернет ҳаётимизнинг бир қисмига айланган бўлса-да, китобнинг ўрнини боса олмаслиги кундай равшан. Аҳолининг, ўсиб келаётган авлоднинг саводли, онг-у дунёқараши кенг, бадий тафаккури шаклланган, янги-янги ғояларга эга бўлиши учун ҳам жамиятда мутолаа маданиятини юксалтириш лозим.



Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан “Ўзбекистон – китобхонлар юрти” шиори остида ҳар йили ўтказиб келинаётган “Китобхонлик ҳафталиги” ҳам ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятли.

– Давлатимиз раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасида белгилаб берган муҳим вазифа ва топшириқлари асосида республика бўйлаб салмоқли лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда, – дейди Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Ходжаев. – Бунга Фарғона вилоятида қилинаётган ишларни мисол қилиб келтириш мумкин. Жумладан, вилоятда сўнгги уч йилда тўртта тумандаги ахборот-кутубхона марказлари учун янги бинолар қурилди. Шунингдек, 2025 йил Фарғона вилоятида “Китобхонлик йили” деб эълон қилинди. Бундай ташаббуслар республикамизнинг барча ҳудудларида оммалаштириш қўллаб-қувватлаймиз. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, биз 2026 йилдан бошлаб Фарғона тажрибасини оммалаштирган ҳолда муайян бир вилоятда “Китобхонлик йили”ни эълон қилиб, мазкур ҳудуддаги китобхонлик тадбирларига янгича мазмун бахш этишни, уларда соҳа билан боғлиқ барча ташкилий-ҳуқуқий масалаларни, инфратузилма, кутубхона, ижодкорлар билан мулоқот, ноширлик йўналишидаги долзарб муаммоларни ҳал этиш имконини берувчи мулоқотлар майдонини яратишни мақсад қилганмиз.

Шу ўринда яна бир маълумотни айтиб ўтмоқчи эдим, яқинда республика умумтаълим муассасаларида ахборот-кутубхона фаолиятини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи Ҳукумат қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2025-2027 йилларда кўзи ожиз ва кўришда нуқсони бор болаларни Брайль алифбосидаги бадий адабиётлар билан таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, янги ўқув йилидан бошлаб мактабларда ҳафтанинг ҳар

шанба куни “Китобхонлик куни” деб белгиланди. Шу билан бирга, таълим муассасаларида “Ноширдан – китобхонга” тамойили асосида китоб савдо-ярмаркалари ҳамда “Жадидлар изидан” республика танлови ўтказилади.

Бундан ташқари, ўтган вақт мобайнида 100 жилдан иборат туркий адабиёт ва рус адабиёти дурдоналари чоп этилиб, барча кутубхоналарга етказилди. Бу борадаги ишларнинг мантикий давоми сифатида 2025 йилдан бошлаб 200 жилдан иборат “Ўзбек адабиёти хазинасидан” китоблар мажмуасини нашр этиш ишлари бошланди.

Айни кунларда юртимиз бўйлаб бешинчи бор ташкил этилган “Китобхонлик ҳафталиги” доирасида қизиқарли мавзуларда семинар, учрашув, тақдирот ва давра суҳбатлари, китоб савдо-ярмаркалари, қисқа қилиб айтганда, мингдан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Тадбирлар Тошкент шаҳридаги “Dream park” истироҳат боғида ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларидаги маданият ва истироҳат боғларида, шунингдек, туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларида бўлиб ўтади.

Ҳафталикнинг очилиш маросимида “Туркий адабиёт дурдоналари” асарлар мажмуаси Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Президент ва Ижод мактабларига, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати таркибидаги Темуրбеклар мактаби ва Жалолиддин Мангуберди номидаги ҳарбий-академик лицейларга тақдим қилинди.

Шунингдек, 25-26 апрель кунлари Ёзувчилар уюшмасининг “Паркент ижод уйи”да ташкил этиладиган ноширлар ва муаллифлар учрашуви болалар ва ўсмирлар адабиётини ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокамасига бағишланади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, “Ўзбекистон овози” мухбири.

MUASSIS:



O'zbekiston Ovozi
TAHRIIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 437. 1715 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 01:00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.